# ДАВР ТАЛАБИГА МОНАНД ИШЛАЙЛИК

*11 июнь куни Тошкент вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлисга чақирилганлар аввалига эрта билан Ўртачирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли халқ корпорациясида тўпланишди. Бунинг кенг ва ибратли маъноси бор эди. Яқинда бу ерга Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам ва Республикамиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ташрифи ҳамда икки халқ дўстлигига бағишланган тантаналар шарофати билан кўп миллатли хўжаликнинг довруғи яна бутун дунёга кетди. Ҳа, бу ерда вилоятимиз турмушига ёйиш, ўрганиш ва ибрат олса арзигулик ишлар бор эди. Меҳмонлар халқ корпорациясида ислоҳотнинг бориши, ундаги янги ўзгаришлар билан танишдилар, музей, бахт уйи ва бошқа диққатга сазовор жойларда бўлдилар.*

*Сўнг у ердан фаоллар мажлис ўтадиган шу тумандаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг маданият саройига йўл олдилар.*

*Йиғилишда вилоят ҳокимининг муовинлари, ҳокимлик бўлим ва бошқармаларининг бошлиқлари, вилоят прокуратураси ва ички ишлар маҳкамаларининг мутасадди раҳбарлари, вилоят туманларининг ҳокимлари ва уларнинг биринчи муовинлари, туманлар маҳкамалари, муассасалари ва хўжаликларнинг раҳбарлари, оқсоқоллар иштирок этдилар.*

*Йиғилишни вилоят ҳокимининг биринчи муовини Э. Рўзиев қисқача кириш нутқи билан очди ва уни бошқариб борди.*

*Йиғилиш кун тартибига қўйилган биринчи масала — "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 февралдаги қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга доир 87-88-қарорларини бажариш юзасидан вилоятда амалга оширилаётган ишлар юзасидан Тошкент вилояти ҳокимлигининг шу йил 9 июнда Вазирлар Маҳкамасидаги ҳисоботи якунлари тўғрисида" вилоят ҳокимининг муовини Й. А. Тожибоев ва иккинчи масала — "Вилоят туманларида маданий-маърифий ва ободонлаштириш ишларини йўлга қўйиш юзасидан фаоллар олдида турган вазифалар тўғрисида" вилоят ҳокимининг муовини Х. Х Ҳамидов маъруза қилдилар.*

Маърузачи Й. Тожибоев ўз нутқида вилоятда Президент фармонлари ва республика Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижроси, иқтисодий ислоҳотнинг бориши ва ижтимоий масалаларнинг қандай ҳал этилаётганлиги ҳақида батафсил тўхталди.

— Мазкур фармон ва қарорлар қабул қилингач, — деди маърузачи, — улар тезда вилоят фаоллари йиғилишида чуқур муҳокама қилиниб, аниқ вазифалар белгилаб олинди. Жойларда бу вазифаларнинг амалга оширилишига яқиндан ёрдам бериш учун вилоят фаолларидан иборат 4 та махсус ишчи гуруҳи тузилди. Улар ислоҳотларнинг бориши ва бажарилишини жойларнинг ўзида ўрганиб, таҳлил қилиб, ҳам амалий, ҳам услубий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар.

Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларида қуйилган вазифаларни бажара бориб, 70 та давлат хўжалиги мулкчиликнинг нодавлат шаклига айлантирилди. Натижада бошқарув ходимларидан 406 нафар киши қисқарди ва улар ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларига ўтказилди. Вазирлар Маҳкамасининг 137-сон қарори асосида 69 та ферма ҳиссадорлик жамиятлари мулкига айлантирилди. Вазирлар Маҳкамасининг 87-ва 88-сон қарорлари асосида вилоятимизда деҳқон (фермер) хўжаликларига 20 минг гектар ер ажратилиши лозим эди. Бугунга келиб бу ер майдони 21 минг 868 гектарни ташкил этди. Вилоятимизда ҳозир 2193 та деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

Ҳукумат қарорларида деҳқон (фермер) хўжаликларига имтиёзли кредитлар ажратиш масаласи қатъий қилиб қўйилган эди. Бу масала ҳам вилоят ҳокимлигининг доимий диққат марказида турди. Ҳозиргача уларга 14 миллиард 770 миллион сўм-купон миқдорида кредитлар ажратилди.

Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш юзасидан олиб борилаётган ишларга қарамай, — деди маърузачи, вилоятда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ёқилғи-мойлаш материаллари ва концентрат озуқалардан фойдаланиш, агросервис хизматини ташкил этиш, тайёрлов ташкилотлари билан ўзаро ҳисоб-китоблар юритиш, меҳнатга вақтида ҳақ тўлаш сингари масалаларда ҳамон жиддий камчиликлар мавжуд. Ана шу камчиликлар туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш сезиларли даражада камайиб кетяпти, молиявий-иқтисодий аҳвол яхшиланмаяпти.

Маърузачи ўз нутқида жойларда гўшт, сут етиштиришни кўпайтириш, чорва туёғини ўстириш ва унинг зотдорлигини яхшилашда жиддий нуқсонлар мавжудлигини уқтириб, қатор жонли мисоллар келтирди. Фермер хўжаликларига ер ажратиш режаси бажарилган бўлса-да, масалан, Бўстонлиқ, Қуйичирчиқ, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ, Пискент ва Чиноз туманларида аҳолидан кўплаб аризалар олинган бўлишига қарамай, уларга ер участкалари ажратиб бериш муддатлари турли сабаблар билан кечиктириб келинмоқда. Мулкни хусусийлаштириш борасида ҳам қатор камчиликлар бор.

Вилоятимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда ва амалга оширишда қатор камчиликлар мавжуд. Ўйлайманки, вилоятимиз фаоллари жойларда астойдил меҳнат қилиб, интизомни мустаҳкамлаб, мавжуд бу камчиликларни бартараф этишда ижобий ютуқларга эришадилар.

## Вилоят фаоллари йиғилишидан

— Ҳаммангизга маълумки, — деди маърузачи Ҳ. Ҳ. Ҳамидов, — 1994 йилнинг февраль ойидаёқ вилоят ҳокими ташаббуси билан барча туман ва шаҳарларда, қишлоқларимизда, хўжалик ва ташкилотларда тартибни мустаҳкамлаш, ободончиликни таъминлаш юзасидан катта саъй-ҳаракат бошланди.

Тартиб-интизом, ободончилик тўғрисида гап борар экан, бу муҳим ишдан ҳеч кимнинг четда қолиши мумкин эмас. Аммо биз бу ишларга қишлоқларда бош бўлиши керак бўлган энг масъул қишлоқ йигинлари оқсоқолларининг вазифаси, таъсири сезилмаётганлигини очиқ айтишимиз керак. Бу борада вилоят санитария-эпидемиология станцияси ва унинг жойлардаги бўлимлари ишидан ҳам тўлиқ қониқмаяпмиз. Ваҳоланки, бу ташкилот жойлардаги санитария-гигиена талабларига риоя этилишини назорат қиладиган, тозалиқ ободончиликка жавоб берадиган бош муассасадир.

Бу гаплар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раҳбарларига ҳам тегишлидир. Улар ободончилик, тозалик ишларига етарли эътибор бермаяптилар.

— Театр гардеробдан бошланади, деган гап бор, - деб таъкидлади маърузачи. — Мен бугун мана шу залда ўтирган хўжалик раҳбарларига маданият, маърифат қаердан бошланади, деган саволни бермоқчиман. Билиб қўйинглар, маданият раиснинг хонасидан бошланади. Минг афсуски, бизда бунинг акси бўляпти. Айрим хўжаликларнинг идораларига ҳатто яқинлашиб бўлмайди. Лекин бу билан вилоятдаги барча хўжаликлар раҳбарлари ўз идорасига мана шундай муносабатда бўлаяпти, демоқчи эмасман. Вилоятимизда ҳар жиҳатдан намуна қилиб кўрсатса арзийдиган хўжаликлар бор. Чиноз туманидаги П. Саулкин раҳбарлик қилаётган хўжалик, Тошкент туманидаги Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли жамоа хўжалиги, масалан, шундай хўжаликлар жумласидандир. Бу хўжаликларнинг идорасига кирсангиз баҳри-дилингиз очилади.

Маърузачи кейинги вақтда Ўртачирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли халқ корпорациясининг довруғи бутун республикага ёйилгани, бу ерга мартабали меҳмон Корея Республикаси Президенти Ким Ен Сам жаноблари ҳамда республикамиз Президенти Ислом Абдуганиевич Каримовнинг ташриф буюришлари арафасида амалга оширилган катта ҳажмдаги ободончилик ҳақида, хўжалик марказий қўрғонининг бугунги гўзал қиёфаси, обод ва кўркам жамоли хусусида тўхталди. У ободончилик ишлари бир кунлик иш эмаслиги, у доимий равишда эътибор билан олиб борилиши лозим бўлган муҳим вазифа эканлигини уқтирди.

Юқоричирчиқ туманидаги "Политотдел", "Ийкота", Тошкент туманидаги Ғ. Абдуллаев, Қибрай туманидаги "Ўзбекистон", Бекобод туманидаги "Далзарзин", Оққўрғон туманидаги Сегизбоев номли, "Оққўрғон", Янгийўл туманидаги А. Ортиқов, Ҳ. Турсунқулов номли ва бошқа кўплаб довруғи довон ошган хўжаликларимизда ҳам, — деди нотиқ, — ана шундай ишларни ривожлантириш зарур. Энди эски шуҳрату машҳур номларга ишониб юришнинг даври ўтди. Вилоятдаги ҳар бир хўжаликнинг ўз кўрими, ўз маркази, ўз маданияти бўлсин.

Нотиқ вилоятимиздаги бугунги ободончилик, тартиб-интизом, маданият, маърифат тўғрисида гап юритар экан, халқимизга, айниқса, қишлоқ аҳолисига маданий-маърифий хизмат кўрсатиш мутлақо талабга жавоб бермаслигини таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Олий Кенгашининг XV сессиясида бу муҳим ва долзарб масалага алоҳида тўхталиб ўтди, Жамият маданиятсиз, маънавий аҳлоқий қадриятларсиз яшай олмаслигини, уларни писанд қилмаган жамият пировард оқибатда таназзулга юз тутишини таъкидлади. Афсуски, вилоятимизда бу оддий ҳақиқатни айрим раҳбарларимиз, тадбиркор ва ишбилармонларимиз етарли даражада тушуниб олмаганга ўхшайдилар. Чиндан ҳам баъзи жойлардаги мактаблар, болалар боғчалари, касалхоналар, кутубхона ва музейларда аҳвол бениҳоя ночор. Жойларда маданият уйларидан ва бошқа муассасалардан бошқа мақсадлар йўлида фойдаланиб келинмоқда.

Маданият муассасаларидан ўз ўрнида фойдаланмасак, халқнинг маънавиятини юксалтириш борасидаги ишларни тўғри йўлга қўймасак, маданий бой меросимизни одамлар ўртасида кенг тарғиб қилмасак, қандай қилиб маданият ҳақида гапиришимиз мумкин. Бундан жойлардаги раҳбарлар тўғри хулоса чиқаришлари шарт.

Нотиқ бугунги миллий мафкурамиз тўғрисида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари вакилларига мурожаат қилиб, бошланган яхши ишларни давом эттиришга чиқирди. Қишлоқда спорт ишларини ривожлантиришга эътиборни қаратди.

Маърузачи ҳозирги кунда вилоят фаоллари олдида турган қатор муаммолар хусусида тўхталиб, халқ маънавияти, маданиятини ривожлантириш ҳам олиб борилаётган катта ислоҳотларнинг ажралмас бир бўлаги эканини уқтириб ўтди.

Шундан сўнг икки маъруза юзасидан музокоралар бошланди. Музокорада сўзга чиққан Оққўрғон тумани ҳокими Н. Бердиқулов, Ким Пен Хва номидаги халқ корпорациясининг раиси Т. Мадиёров, Бекобод тумани ҳокими М. Расулов, Пискент тумани ҳокими А. Шерматов, Чиноз тумани ҳокими Э. Бердиевлар ишдаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида тўхталиб, мавжуд нуқсонларни тезликда бартараф этиш ислоҳотларнинг боришига ижобий таъсир этажагини уқтириб ўтдилар.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



Юқоричирчиқ туманидаги 34-ўрта мактабнинг тасвирий санъат муаллимаси Ольга Анатольевн Козина ўн йилдан буён ўқувчилар қалбига гўзаллик туйғуларини жо этиб келмоқда. Устозлари кўмагида талабалар мактабда ўзига хос "Истеъдод музейи" ташкил этдилар.

Суратда: Ольга Козина ўқувчилари балан.

Ш. МУЛЛАЕВ олган сурат.

# КАНОП, КАНОП САНОАТИ ВА ИШЧИ ЎРИНЛАРИ

## Олим муаммо кўтаради

ЖОНАЖОН Ўзбекистонимиз бошқа қўшни республикаларга қараганда ўзининг иқлими, табиати, салоҳияти билан ажралиб туради. Айнан мана шу хусусиятлар унинг иқтисодий, ижтимоий ривожланишига катта йўл очиб бермоқда. Серунум тупроғимизда етиштирилаётган пахта, буғдой, пилла, шоли, картошка, сабзавот, қовун-тарвузлар бугун ҳақли равишда ифтихоримизга айланганлиги сир эмас.

Дунёда энг қимматбаҳо хом ашё манбаларидан бири ҳисобланган каноп етиштиришда ҳам республикамиз етакчи ўринларда туради. Каноп қимматбаҳо тола олиш учун экилади, унинг пояси ўта пишиқ ҳисобланади. Унинг чаноқларидан уруғ олиниб, техникавий мойлар тайёрланади, чаноғининг қолган қисми ва баргларидан эса чорва моллари учун озуқа тайёрланади.

Каноп ўсимлигининг баландлиги 3—4 метрдан ортиқ бўлиб, бизнинг иқлим шароитимизга жуда яхши мослашган. Шуниси диққатга сазоворки, канопнинг кўндаланг кесими 10—12 миллиметрдан ҳам ошади. Поянинг устки қисми пўстлоқ ва ич қисми эса ёғочмағиз ҳисобланади. Пўстлоқдаги тола миқдори 60,7—62,7 фоизни, толанинг пишиқлиги эса 27,0—34,6 килограмм (ўлчов бирлиги)ни ташкил этади.

Канопнинг ажойиб хоссаси бор. У гигроскопик хусусиятга эга бўлиб, ҳаводаги намнинг маълум қисмини ўзида олиб қолади... Канопдан тайёрланган қопларда шакар, ун, цемент ва бошқа хом ашёларни солиб намгарчилик пайтларида ҳам бемалол сақлаш мумкин, у бузилмайди, айнамайди.

Каноп толаси оқ рангли, юмшоқ, жуда тоза ва пишиқ бўлади. Қанорбоп материаллар тўқишда, арқон ва каноп иплари тайёрлашда, техникавий материаллар (брезент ва бошқалар), мебелбоп материаллар ва гиламлар тўқишда каноп толасидан кенг фойдаланилади. Ундан ташқари чиқинди ёғочмағзидан плиталар тайёрланиб, қурилиш ва мебель саноатига берилмоқда. Бизнинг ҳисобимизча, биргина канопдан 20 миллион квадрат метр плиткаларни қурилиш учун тайёрлаб бериш мумкин. Шу билан бирга уни қоғоз тайёрлашда хом ашё сифатида ишлатиш мумкин.

Бу хом ашё барча саноат корхоналари учун сув ва ҳаводек зарур. Республикамизда каноп экиш татбиқ этилганлиги қанчалик тўғри бўлганлигини биз кўп йиллик ўз тажрибамиздан кўриб турибмиз.

Кейинги йилларда миришкорларимиз томонидан ҳар бир гектар майдондан 180 центнердан, баъзи бир жойларда эса, ҳатто, 250—270 центнердан ҳосил олинди. Бундай муваффақиятнинг сири бевосита олимлар ва қишлоқ хўжалиги ходимларининг ҳамкорлигидадир. Ана шу амалий ҳамкорлик туфайли республикада йилига 250—300 минг тонна хом ашё тайёрланмоқда.

Каноп хом ашёсини қайта ишлаш учун заводлар мавжуд бўлиб, улар замонавий технологиялар билан мукаммал жиҳозланган. Бу техникаларни эса, малакали кадрлар бошқаришмоқда. Мутахассислар томонидан каноп толасини жаҳон талаблари даражасида ишлаш бўйича катта кўламда иш олиб борилмоқда. Айниқса, луб толасини текшириш илмий маркази ва Давлат лойиҳалаш олийгоҳлари, пахта тозалаш бўйича махсус Давлат конструкторлик бюросининг каноп ишлаб чиқариш заводлари, ихтирочилар ва ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибалари асосида поток усулида янги машиналар яратилди. Эндиликда толани ва чиқиндини қуритиш муддати қисқарди: узун тола — 25 дақиқада, қолганлари эса 40 дақиқада қуритилади. Кейинги муаммо — бу толани автоматик усулда ҳўллашдир. Ҳозир бу масала ҳам ўз ечимини топмоқда.

Агар каноп толаси ва ундан тайёрланадиган буюмлар муаммосини ҳал эта олсак, яхши бўлар эди.

Ҳўш, бугунги кунда луб саноатининг аҳволи қандай? Афсуски, кейинги пайтларда бу хом ашёга бўлган муносабат салбий томонга ўзгарди. Кимларнингдир беғамлиги оқибатида каноп экиладиган ер майдонлари кескин қисқартирилди. 11 та заводдан ҳозир атиги 4 таси фаолият кўрсатмоқда. Муҳандис, техник ходимлар ва малакали ишчилар иш билан етарли таъминланмаганлиги оқибатида ишдан бўшаб кетиш ҳоллари учрамоқда. Бу ҳозирги бозор иқтисоди, ислоҳотлар шароитида сира келишиб бўлмайдиган ҳолдир. Заводларнинг аҳволи ночор. Аҳвол шу зайилда кетаверса, эртага "аттанг" деб қолишимиз ҳеч гапмас.

Тезроқ каноп ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш йўлларини излаб топишимиз лозим. Бугун иқтисодий ривожланиш йўлидан дадил одим ташлаётган мустақил Ўзбекистон учун каноп саноати катта моддий манба, улкан иқтисодий салоҳият сифатида хизмат қилиши аниқ.

Ж. СУЛТОНОВ,
профессор.

*Тўйхат ўрнида*

# ФИДОЙИ ИНСОН

*Тошкент тумани ҳокими, Ўзбекистон халқ ноиби Рустам АКБАРОВ 60 ёшга тўлди*



УНИНГ таржимаи ҳоли оддий ва айни пайтда айримларга ғалати туюлиши мумкин. Тарих ўқитувчиси, мактаб директори, сўнг туман халқ маорифи бўлими мудири, 1981 йилдан бошлаб эса собиқ Карл Маркс номли (ҳозирги Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли) жамоа хўжалигига раис қилиб тайинланди. Шу ўринда савол туғилиши мумкин. Бу қанақаси бўлди. Умрида қишлоқ хўжалиги кўчасидан ўтмаган, лоақал далада оддий бригадир бўлиб ҳам ишламаган одам қандай номдор хўжаликка раис бўлиши мумкин?

Аслини олганда Рустам Акбаровнинг ўзи ҳам буни кутмаган эди. Лекин, унга "Раис бўласиз, эплаб кетасиз, бунга ишончимиз комил, ёрдам берамиз", деб айтишди.

Мутасаддилар, ўша пайтда туманнинг биринчи котиби бўлиб ишлаган Юсуф Толиповнинг нияти холис эди. У ўйларди: Раҳбар энг аввало ташкилотчи ва ишбилармон бўлиши керак эмасми?! Хўжаликда ажойиб деҳқонлар, тажрибакорлар бор. Улар ўз ишларини билиб қилишади-ку.

Юсуф Толипов Рустам ака ҳаётини, унинг ишларини яхши биларди. Кўп эшитганди. Гап шундаки, Акбаров ТошДУнинг тарих факултетини тугатгач, мактабга ўқитувчи бўлиб келди. Кўп ўтмай ишбилармонлик фаолиятини бошлади. Мактабнинг тажриба участкасини ўз оталиғига олди. Бир гуруҳ ёшларни ишга жалб этди. Экин экди, гул ўстирди, дурустгина ҳосил битди. Бу ҳосилни бозорга олиб чиқиб сотишди. Мактабнинг ҳисоб варақасини очишди. Мўмайгина пул келиб тушди. Ўша пайтда директор бўлиб ишлаган Ғани ака Қодиров Рустамнинг бу ишидан мамнун бўлди. Раҳмат, болам, деди у. Бу пуллар мактабнинг айрим камчиликларига ишлатилади.

Кўп ўтмай Акбаровнинг ўзини бошқа бир мактабга директор қилиб тайинлашди. У бошлаган ишининг кўламини яна ҳам кенгайтирди. Маорифга мудир бўлгач эса, бу тажриба бутун туман бўйлаб ёйилди. Жуда кўп мактаблар ўз ҳисоб варақаларини очдилар. Уларнинг иқтисодий аҳволи анча яхшиланиб қолди. Бу ҳол, табиийки, мактабларда ўқув-тарбия ишларининг яхшиланишига ижобий таъсир этмасдан қолмади. Кўпгина мактаблар туман маориф бўлимига мутеликдан бироз бўлса ҳам қутулдилар.

Мутасаддилар Рустам Акбаровни раисликка тавсия қилишганда ундаги ана шу ташкилотчилик, тадбиркорлик, ишбилармонлик салоҳиятини ҳисобга олишганди. Улар янглишмаган эдилар. умуман олганда Акбаровни қишлоқ хўжалигидан, деҳқончиликдан хабари йўқ, деб ҳам бўлмасди. Чунки, унинг отаси Раҳбар ака донгдор, тажрибакор деҳқонлардан бўлган. Рустам мактабдан бўш вақтларида кўпинча отасига қарашар, деҳқонлар билан мулоқотда бўлар, ер билан тиллашиш, экин билан сирлашиш йўлларини ўрганган эди. Ана шу меҳр-иҳлос, эҳтимол, охир оқибатда уни далага етаклагандир. Лекин, у барибир дастлабки пайтда анча қийналди. Туну кун далада бўлди. Тажрибакорлар билан суҳбат қилди, уларнинг дарди-ҳасратларини, фикр-мулоҳазаларини эшитди.

Ана шу асосда хулосалар чиқарди ва раҳбарликни шу зайлда йўлга қўя бошлади. У раҳбар. Раис деҳқонларнинг ишига аралашиши, уни қил, буни қил дейиши шарт эмас. Энг биринчи навбатда уларнинг эркин ишлари учун имконият, шароит яратиб бериши керак. Деҳқон қилган меҳнатига яраша рағбат кўриши шарт, деб ўйларди. Ўша пайтда ўзини ўзи пул билан таъминлаш, ижара, пудрат деган гаплар эндигина пайдо бўла бошлаган эди. Акбаров ана шу йўлни қаттиқ ушлаб олди. Меҳнатни ташкил этишнинг ижара пудрати, оила пудрати жорий этилгач ердан фойдаланиш, унинг самарадорлигини ошириш изга тушди қолди. Деҳқонлар мўмай даромад ола бошладилар.

Энди уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг бошқа йўллари ҳам қидирилди. Хўжаликда маҳсулотни қайта ишлаш — консерва цехи қурилди. Маҳсулотни сақлайдиган, аҳолини қишин-ёзин сабзавот, мева маҳсулотлари билан таъминлайдиган омборхоналар, музхоналар қурилди. Қирғизистон, Тожикистон, Латвия, Литва сингари мамлакатлар билан маҳсулот алмашлаш, бартер алоқалари бошлаб юборилди. Бунинг учун ўша пайтда гап эшитишга ҳам тўғри келди. Лекин хўжалик маъмурияти ўзи тутган йўлнинг тўғрилигига ишончи комил эди. Шундай қилиб, хўжаликнинг иқтисодиёти юксалиб, довруғи довон оша бошлади. Гарчи ерларнинг бир қисми шаҳарга ўтиб кетиб, экин майдонлари камайган бўлса-да, ялпи маҳсулот, ҳосилдорлик ортса ортдики, камаймади. Соф даромад кўпайди. Бу даромаднинг бир қисми ободончилик ишларига сарф қилинди. Хўжаликда улкан маданият саройи қуриб ишга туширилди.

Акбаров хўжаликка ўн йил раислик қилган бўлса, ҳар йили режалар ортиғи билан бажарилди. Эндиликда хўжалик миқёсида торлик қилиб қолаётган эди. Аслида ҳам шундай эди-да. Шунинг учун ҳам вилоят мутасаддилари уни 1991 йилда туманнинг бош раҳбари қилиб тайинладилар.

Ана шундан буён анча вақт ўтди. Туманда катта ишлар амалга оширилди. Хўжаликларнинг иқтисодиёти мустаҳкамланди. Чунки, бир вақтлари ҳайиқиб қилинадиган ишбилармонликка кенг йўл очилди. Президентимизнинг қатор фармонлари асосида туманнинг аниқ дастури белгилаб олинди. Чоғроққина бир хўжалик миқёсидаги тажрибалар, янгиликлар бутун туманга ёйилди.

Бошқарувнинг ҳаммага маъқул бўладиган ихчам тизими вужудга келди. Бунинг моҳияти шундаки, тумандаги катта-кичик ҳар бир раҳбар ўз ишини билиб қилиши керак, ўз бурчини тўғри англаб бажариши зарур.

Шунинг учун ҳам Акбаров раҳбар бўлиб келгач, шикоят ва ариза кўтариб келадиганларни ўз ҳузурига шикоятда кўрсатилган раҳбарлар билан биргаликда таклиф қилишни одат қилди. Бақамти ўтиришиб, ҳўш, нега бундай аҳвол юз берди, бунинг учун ким айбдор, бу камчиликни тузатса бўладими, бунинг учун нима қилиш керак, қани айтинг, биродар, биздан қандай ёрдам керак. Шундай қилингки, бу одам иккинчи бор шикоят қилиб юрмасин тарзида иш олиб борди. Талабни қаттиқ қўйди. Интизомни бузганларни, топшириқни бажармаганларни кўпчилик ўртасида қаттиқ уялтирди. Ана шундан сўнг шикоят қилувчилар сони камайди. Бизда ҳокимнинг қабул куни фалон вақтдан фалон вақтғача деган гап бўлмайди, ҳамма вақт эшигимиз очиқ. Кимнинг қандай гапи, дарди, таклифи бўлса, марҳамат, келаверсин, деди у. Бу катта-кичик раҳбарларга ҳам ўрнак бўлди.

Қишлоқ хўжалигига раҳбарликда ҳам янгича йўл тутилди. Бир йиғилиш чақириб у шундай деди: биз сизларнинг деҳқончиликдаги ишларингизга аралашмаймиз, уни қилинглар, буни қилинглар, демаймиз. Буни ўзларингиз яхши биласизлар. Лекин, бир нарса эсларингиздан чиқмасин. Ер бойлигимиз, деҳқоннинг тирикчилиги ер билан, ердан ким қандай фойдаланаяпти. Буни қаттиқ назорат қиламиз. Айбдорлар кейин ўпкалаб юришмасин.

Ўзи эса, кўпроқ одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланди. Айниқса, кам даромадли, ночор оилалар эътиборда бўлди. У туманга ишга келган йилнинг ўзидаёқ бу соҳада эл оғзига тушадиган ишни амалга оширди. Бирйўла 146 боланинг суннат тўйини, 24 янги оиланинг никоҳ тўйини ўтказиб берди. Президентнинг ўзи бу ишни маъқуллади, совға-саломлар юборди. Афғон урушида, Улуғ Ватан урушида қатнашганларни йўқлаш ва совға-саломлар бериш, ногирон, ночор оилаларнинг уйига бориб, уларни байрамлар билан қутлаш, табриклаш қатъий одатга айланди.

Туманда ижтимоий вазият тубдан ўзгарди. Меҳнатга онгли муносабат шаклланди. Деҳқонлар, чорвадорлар, боғбонлар ҳокимликнинг ишини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватладилар. Улар мустақилликни амалий меҳнат билан мустаҳкамлаш учун Президент қарорларини, фармонларини оғишмай амалга оширишга киришдилар. Илғор тажрибалар сайқал топди, саноатнинг қишлоқ хўжалигига кириб келиш кўлами кенгайди. Қилинган ишлар, эришилаётган натижалар ана шундан далолат бермоқда.

Ҳозирги кунда туманда 123 та деҳқон фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Ҳар йили туман бўйича 50-60 минг тонна сабзавот етиштирилмоқда. Чорвачиликда ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Кўп фермалар хусусийлаштирилди. Туман давлатга сут сотиш бўйича олдинги ўринларни эгаллаб турипти. Қишлоққа саноатнинг кириб келиши давом этяпти. Ҳозирги кунда туманда 250 та кичик корхона ишлаяпти. Бу корхоналарда емак, ичмак, кийим-кечакдан тортиб, қурилиш материалларигача ишлаб чиқарилмоқда. Икки йилдирки, туман давлатдан бюджетга қарз олмаяпти, ўзини ўзи "боқяпти". Ўтган йили туман бўйича 9 миллиард 321 миллион сўм даромад қилинди. Шундан 4 миллиард 639 миллион сўмини қишлоқ хўжалиги берди. Бошқача қилиб айтганда, кичик корхоналар бўйича бу йил олинадиган даромад яна ҳам кўпаяди. Улар туман бўйича умумий даромаднинг 60 фоизини бериши кўзда тутилмоқда. Бу дегани — туманда ишсизлар бўлмайди, бу дегани — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фақатгина унумли меҳнат қиладиган одамларгина ишлайди. Бу Президент қарорларининг ҳаётга амалий татбиқ қилинаётганлигининг самараси эмасми?!

Ана шулар ҳақида ўйлар эканмиз, бир қатор орден ва медаллар соҳиби бўлган ҳокимнинг иш фаолиятидан одамлар миннатдор бўлиб сўзлаётганликларининг боисини тушундик. У моҳир ташкилотчи, тадбиркор раҳбар бўлиш билан бирга, оилапарвар инсон ҳамдир. Турмуш ўртоғи Муҳаббат ая бир неча йил мактабда адабиётдан дарс берди. Ўғли Равшан вилоят ички ишлар хизматида. Қизлари Нилуфар ва Наргизалар ўқитувчилик қилишади. Рустам ака бир этак набираларнинг бобокалонидир.

Н. РИХСИЕВ.

# Кўргазмада Покистон маҳсулотлари

Кейинги пайтларда халқаро кўргазмалар майдонига айланган Ташқи Иқтисодий алоқалар вазирлиги "Ўзэкспомарказ" Республика Савдо кўргазма марказида шу кунларда навбатдаги кўргазма бўлиб ўтмоқда. Покистон ҳукумати элчихонаси экспортни ривожлантириш тижорат бўлими, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва "Ўзэкспомарказ" ташаббуси билан ўтказилаётган "Покистон маҳсулотлари" кўрғазмасида мамлакатнинг 55 фирмаси ўз саноат маҳсулотлари, электроника, электр маҳсулотлари, автомобиль ва эҳтиёт қисмлари, пахта, ип, мебель, ҳунармандчилик маҳсулотлари ва ҳоказоларни намойиш этмоқдалар.

Кўргазманинг мамлакатимиз ишбилармонлари учун айниқса фойдали бўлиши шубҳасиздир. Ишбилармонларимиз Покистонлик корчалонлар билан битим тузиб олдиларида турган муаммоларни бир қадар енгиллаштиришлари мумкин.

20 июнгача давом этадиган ушбу кўргазма Ўзбекистон ва Покистон мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлади.

Маҳмуда ИСМОИЛОВА,
"Ўзэкспомарказ" ходими.

# Қурувчилар устози

Инсон ҳаётида шундай дамлар бўладики, шу вақтда у ўзининг ўтган умри, орзулари йўлида кечирган ташвишу бахтиёр онларини бир зумда кўз ўнгидан ўтказади. Ўтган умрини бир неча дақиқа сарҳисоб қилади. Кўпинча биз фидойи инсонлар ҳақида фикр юритар эканмиз, ҳа, бундай инсонлар кўпроқ китоблардагина бўлади дейишдан ҳам ўзимизни тутолмаймиз. Аммо ҳаёт йўли барча учун намуна бўла оладиган инсонлар ёнимизда, қаторимизда биз билан елкама- елка хизмат қилаётганидан беҳабар бўлиб қоламиз.

Мен дўстим, сафдошим Шокир ака Ҳасанов ҳақида ўйлаганимда кенг маънодаги пири бадавлат "устоз" деб атагим келади. Шокир Ҳасанов бутун умрини, ақл-идроки, тажрибасини ёшларга бағишлаган. Етмиш баҳорни қаршилаётган дўстим оилапарварлиги билан ҳам, меҳнат фаолиятида ҳам ёш авлод учун намуна бўлса арзийди.

Шокир ака билан Нортожи ая кексалик гаштини суришмоқда. 7 фарзанд, 14 набирани тарбиялаётган бу оила маҳаллада ҳам намунали оилалардан ҳисобланади. У фарзандларига изтиробли, даҳшатли уруш йиллари ҳақида, халқимизнинг меҳнаткаш, сабрли эканлиги ҳақида кўп гапиради. Уруш тугаши билан ҳарбий хизматдан қайтгач, Ангрен шаҳридаги 17-сон билим юртига тарбиячи лавозимига ишга киради. Иш фаолиятининг биринчи куниданоқ бутун имкониятини ёшлар таълимитарбиясига бағишлайди. 1953 йилдан эса шу билим юртига раҳбар этиб тайинланади.

Шокир Ҳасанов 1962 йилда Тошкент шаҳридаги 5-қурилиш билим юртига, кейинчалик 36-ишчилар тайёрлаш билим юртига раҳбарлик лавозимларига ўтказилди. Устоз ва мураббий сифатида ёшларга қурилиш сирларини ўргатишда тажрибасини аямади.

Ҳозирги кунда республикамизнинг кўпгина қурилиш ташкилотларида Шокир аканинг шогирдлари меҳнат қилмоқда. Улар устозлари ўгитлари, билимларини меҳнат фаолиятида тадбиқ этишмоқда. Биз касбдошлари ҳам шогирдлари сингари дўстимиз билан фахрланамиз.

Р. ХУСАНОВ,
меҳнат қаҳрамони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

